

аҳоилининг фаровонлигини таъминлаш учун тадбиркорликни ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Оилавий тадбиркорлик кичик бизнеснинг ўзига хос ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида мамлакат иқтисодийётидаги аҳамияти катта бўлиб, у бир қатор афзалликларга эга:

– мослашувчанлик ва инновацияларнинг юқори даражаси, ўзгарувчан бозор талабларига тез мослашиш қобилияти;

– оила институтини мустаҳкамлаш каби муҳим ижтимоий вазифани бажаради, болаларни муваффақиятли тарбиялашга имкон бергани ҳолда, уларни ижтимоийлаштиришга ҳамда

демографик муаммоларни ҳал қилишга имкон беради;

– ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга бўлган юқори интилиш даражасини таъминлайди;

– жамиятда ижтимоий-иқтисодий ҳолатнинг барқарорлашувига имкон беради.

Агарда таъкидлаб ўтилган таклифлар амалиётга жорий қилинса, тадбиркорликни ривожланиши ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорликнинг омилларидан бири бўлган, “ўрта синфни” ўсиши ва аҳолини турмуш фаровонлигини ошириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

### **Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Сэй Ж.Б. Трактаты политической экономии. – М.: Экономика. 1985. – 55 с.
2. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. Т.1. – М.: Ось, 1977. – 480 с
3. Хизрич Р., Питерс М. Предпринимательство или как завести собственное дело и добиться успеха. – М.: Прогресс, 1991. – 223 с.
4. Мильнер Б. Качество управления – важный фактор экономической безопасности // Вопросы экономики. -1994.-№12.-С.54;
5. Родина Т.Е. «Реализация национального проекта «малое и среднее предпринимательство и поддержка индивидуальной предпринимательской инициативы» в России»//Сборник тезисов докладов участников научно-практической конференции «Инновационные направления интеграции науки, образования и производства»– Керчь: ФГБОУ ВО «КГМТУ», 2020. – 329-331с.
6. Самсонов К. Элементы концепции экономической безопасности//Вопросы экономики. -1994.-№12.-С.14;
7. [http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/22\\_lbragimov.pdf](http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/22_lbragimov.pdf)
8. Гулямов С.С., Догиль А.Ф., Семенов Б.А. Предпринимательство и малый бизнес. – Т. 1997 – с. 33 – 34
9. А. Абдуллаев, А.Сотволдиев ва бошқалар “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: ташкил этиш, режасалаштириш, бошқариш”. Т., “Fan va texnologiya” нашриёти, 2005 й., 444 б.
10. Абдуллаев Ё., Каримов Ф. “Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари”. Т.: Меҳнат.2010. 9-бет
11. Маълумотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди
12. <http://www.imf.org/external/pubs/ft/sdn/2015/sdn1504.pdf>
13. Маълумотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди
14. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари
15. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси

## **ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ОБЪЕКТИВ АҲАМИЯТИ**

**Махмудов Жасурбек -**  
Тошкент молия институти

**Аннотация:** Мақолада иқтисодий инновацион ривожлантириш шароитида кичик бизнес ва тадбиркорликнинг аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари ёритилган. Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш динамикаси таҳлил қилинган. Шунингдек, кичик бизнес фаолиятини инновацион ривожлантиришнинг устувор йўналишлари таклиф этилган.

**Калит сўзлар:** инновацион иқтисодий, кичик бизнес, тадбиркорлик, барқарор ривожланиш, инновация, венчур бизнес, инновацион тадбиркорлик, инфратузилма.

## **ЦЕЛЬ РАЗВИТИЯ МАЛОГО БИЗНЕСА И ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В УСЛОВИЯХ ИННОВАЦИОННОЙ ЭКОНОМИКИ**

**Махмудов Джасурбек -**  
Ташкентский Финансовый Институт

**Аннотация:** В статье освещены важность и специфика малого бизнеса и предпринимательства в контексте инновационного развития экономики. Проанализирована динамика развития малого бизнеса и частного предпринимательства в Республике Узбекистан. Предлагаются также приоритеты инновационного развития малого бизнеса.

**Ключевые слова:** инновационная экономика, малый бизнес, предпринимательство, устойчивое развитие, инновация, венчурный бизнес, инновационное предпринимательство, инфраструктура.

## THE OBJECTIVE IMPORTANCE OF SMALL BUSINESS AND ENTREPRENEURSHIP DEVELOPMENT IN AN INNOVATIVE ECONOMIC CONDITION

*Mahmudov Jasurbek -  
Tashkent Financial Institute*

**Abstract:** The article highlights the importance and specificity of small business and entrepreneurship in the context of innovative development of the economy. The dynamics of development of small business and private entrepreneurship in the Republic of Uzbekistan is analyzed. Priorities for innovative development of small business are also proposed.

**Key words:** innovative economy, small business, entrepreneurship, sustainable development, innovation, venture business, innovative entrepreneurship, infrastructure.

**Кириш.** Бугунги замонавий шароитларда миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ҳамда рақобатбардошлигини оширишда кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти иқтисодиётнинг “локомотив”и сифатида эътироф этилмоқда. Чунки, таркибий ўзгаришларни амалга ошириш даврида бозор конъюнктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига тез мослаша олиши нуқтаи назаридан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро молия фонди (IMF)нинг ҳисоботида кўра, “бугунги кунда дунёда 90 % корхоналар кичик ва ўрта бизнесга тегишли бўлиб, улар бутун дунёнинг 63 фоиз аҳолисини иш билан таъминламоқда. Европа Иттифоқи миқёсида кичик ва ўрта бизнеснинг салмоғи 99,8 %ни ташкил етган ҳолда 85 % аҳолини иш билан таъминлаб, жами қўшилган қийматнинг 58 % ини яратишда иштирок этмоқда”[4].

Таъкидлаш жозики, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини изчил ривожлантириш натижасида аҳолининг самарали бандлигини таъминлаш, жойларда ташаббускорликни рағбатлантириш орқали аҳоли орасида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш имкониятлари пайдо бўлади. Шу сабабдан ҳам, бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш асосида мамлакатда ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш, ички бозорни нисбатан арзон ва сифатли зарурий товарлар билан тўлдириш, янги иш ўринларини яратишга, шунингдек, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспортга йўналтириш орқали мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш ҳамда пировардида эса миллий иқтисодиёти рақобатбардошлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Алоҳида таъкидлаш лозимки, янги Ўзбекистон модернизациялашган иқтисодиётга таянади. Бундай иқтисодиётни шакллантириш учун ундаги давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва унинг ролини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбир-

корлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш зарур”[1].

Бугунги кунда бутун дунёга ҳавф солаётган COVID-19 пандемияси натижасида юзага келган глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий таъсири ва оқибатларини бартараф этишда кичик бизнесни ривожлантириш долзарб вазифа ҳисобланади. Чунки, бундай вазиятда аҳолининг ишсизлик даражасини камайтириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни қўллаб-қувватлаш ва турмуш даражасини яхшилашда кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик фаолиятини янада кенгайтириш ва ривожлантириш миллий рақобатбардошликни оширишда кўл келади.

**Илмий адабиётлар таҳлили.** Рақобатбардошликни ошириш ҳамда иқтисодий фаолликни таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўрнининг баъзи жиҳатлари хориж иқтисодчи олимларидан П.Друкер, Р.Фостер, В.Секерин, И.Балабанов, Р.Фатхудинов, Й.Рубин, С.Смирнов, П.Роуз, С.Валдайцев [8,9,10] ва бошқаларнинг илмий тадқиқот ишларида ўз аксини топган. Иқтисодиётни инновацион ривожлантириш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий фаолликни таъминлашдаги аҳамиятининг ўзига хос хусусиятлари мамлакатимиз иқтисодчи олимлари М.Болтабаев, Н.Муродова[3], У.Ғафуров[4], Г.Абдурахманова, Қ.Муфайдинов, С.Дусматов ва бошқаларнинг ишларида ифодаланган.

**Асосий қисм.** Глобаллашув ҳамда иқтисодий интеграцион муносабатларнинг шиддат билан ривожланиб бораётганлиги жамият ҳаётининг барча жабҳаларида инновацион ва рақамли технологиялардан фойдаланишни тақозо этмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ ҳўжалигини модернизация


қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилган [2].

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни иқтисодиётдаги ўрни ва уни ривожлантиришнинг объектив зарурияти қуйидагилар орқали изоҳланади: биринчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жаҳон иқтисодиётининг таркибини ташкил этувчи асосий тармоқлардан биридир, мазкур соҳанинг тараққий этиши мамлакатда иқтисодий фаолликни таъминлашга бевосита таъсир қилади. Бундан ташқари ички бозорнинг сифатли истеъмол товарлари билан тўлдирилиши, ташқи иқтисодий фаолиятнинг ўсиши ва аҳолининг самарали бандлигини таъминлаш ва унинг реал даромадларини кўпайтириш масалаларининг ечими ҳам мазкур тармоқнинг ривожланишига боғлиқ. Иккинчидан, глобаллашув ва иқтисодиётнинг интеграцияла-

шуви жараёнида жаҳон бозорида рақобатнинг тобора кучайиб бориши шароитида айнан кичик бизнес йирик ишлаб чиқарувчиларга нисбатан кам маблағ сарфини талаб қилиши, ҳаракатчанлиги ва бозор конъюктурасининг ўзгарувчан талабларига тезда мослаша олиш, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш каби имкониятларга эгадир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик кишилардаги ташаббускорлик, тадбиркорлик ҳамда мулкка эгалик қилиш қобилиятларини рўёбга чиқариш воситаларидан биридир. Ўрта мулкдорлар синфини шакллантиришда, аҳолини иш билан таъминлаш ва пировардида миллий фаровонликни ошириш ушбу секторнинг қай даражада ривожланганлигига боғлиқ бўлиб ҳисобланади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг афзалликлари инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳажмининг ошиши, рақобат муҳитининг шаклланиши, реал ва молия секторларининг мутаносиб фаолият кўрсатишини таъминлаши, аҳолининг ўрта қатламини шакллантириши ҳамда истеъмол бозорини товарлар ва янги-ча хизмат турлари билан тўлдириш орқали бюджетга солиқ тушумлари ҳажмини кескин оширишга таъсир кўрсатишида намоён бўлади (расм).



**Расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш афзалликлари**

Кичик бизнес фаолиятини ривожлантириш бўйича илмий изланишлар олиб борган иқтисодчи олим У.В.Ғафуровнинг таъкидлашича, “Кичик бизнес субъектлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш шакл ва воситалари кичик бизнес соҳасининг ривожланганлик даражасига кўра ўзгариб, унга мос тушувчи воситалар қўлланиб борилиши лозим”[8]. Шу билан биргаликда кичик бизнес субъектлари фаолиятини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш мазкур соҳанинг барқарор

ривожланишига эришишда муҳим омиллардан бири эканлигини қайд этган.

Кичик бизнес субъектлари фаолиятининг муҳим белгиларидан бири уларнинг ўз фаолиятларини ривожлантириш борасида мустақил стратегик ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиши ҳамда мулкка бевосита эгалик қилишида намоён бўлади. Мазкур соҳада фаолият юритувчи субъектларнинг миллий иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамияти улар фаолиятининг афзаллиги ҳамда устуворликлари билан

изоҳланади. Булар жумласига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

– моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларининг самарали тақсимланишига ҳамда улардан унумли фойдаланишга ёрдам беради;

– янги иш ўринларини яратиш ва шу орқали аҳоли бандлик даражасини оширишга қулай шарт-шароит яратади;

– янги инновацион ишланмаларни яратиш ва уларни ишлаб чиқариш тармоқларига жорий этиш бўйича қулай имкониятларни юзага келтиради;

– фаол тадбиркор шахсларни юзага чиқаради, уларни тажриба ўргатиш, иш ўргатишни таъминлайди, технологик, техник ва ташкилий янгиликларни ишлаб чиқишда ва жорий этишда қўл келади;

– соғлом рақобат муҳитини юзага келтиради ҳамда иқтисодийнинг турли секторлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини яхшилади;

– кичик бизнес корхоналари йирик корхоналарга нисбатан бозор талабларига тезда мослашиш имкониятига эга бўлади;

– кичик бизнес корхоналарида меҳнатни ташкил этиш, янги техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиб, ундан самарали фойдаланиш тезда рўёбга чиқади.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унинг фаолиятига қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадидаги чора-тадбирлар йил сайин кенг миқёсда амалга оширилмоқда. Мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантириш, ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдирish, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда аҳоли даромадларини кўпайтириш ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили, мамлакат тараққиёти йўлидаги фаол ҳаракатлантирувчи куч сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлат томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

**Жадвал**

**Кичик тадбиркорлик (бизнес) нинг иқтисодий ва унинг асосий тармоқларидаги улуши**

Кўрсаткичлар	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
ЯИМ	66,8	65,3	62,4	56,0	55,7
Саноат	45,3	41,2	37,4	25,8	27,9
Қурилиш	66,9	64,8	73,2	75,8	72,5
Экспорт	26,0	22,0	27,2	27,0	20,5
Импорт	46,8	53,6	56,2	61,6	51,7
Бандлик	78,2	78,0	76,3	76,2	74,5

Манба: [www.stat.uz](http://www.stat.uz) маълумотлари.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганини мазкур соҳага оид кўрсаткичларнинг ижобий ўзгаришлари далолат беради. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ислохотлар натижасида ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 55,7 фоизга етди ёки қарийб 2 баробар ошди. Ушбу соҳада жами саноат маҳсулотларининг учдан бир қисми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98,1 фоизи ишлаб чиқарилмоқда. Иш билан банд жами аҳолимизнинг 74 фоиздан ортиғи мазкур тармоқда меҳнат қилмоқда.

2020 йилнинг январ-декабрида иқтисодий тармоқларида кичик тадбиркорлик (бизнес)нинг саноатдаги улуши 27,5%, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги – 97,0%, қурилишда – 72,4%, инвестицияда – 49,7%, савдода – 82,2%, экспортда – 20,5 %, импортда – 51,8 % ва хизматлар соҳасидаги – 51,5 % улуши аниқ кўрсатилган.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича энг кўп кичик корхона ва микрофирмалар савдода 35213 та, саноатда 18596 та, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 14969 та, қурилишда 6009 та, яшаш ва овқатланишда 5637 та, ташиш ва сақлашда 2397 та ташкил этилган.

Мазкур қайд этилган кўрсаткичлардан кўриш мумкинки, кичик бизнес субъектлари миллий иқтисодийнинг муҳим тармоқ ва соҳаларида асосий улушни эгаллаган ҳолда уларнинг ривожидида муҳим ўрин тутган.

Мамлакатимизда хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган тизимли ислохотларни давом эттирилиши туфайли 2020 йилда иқтисодийнинг ушбу секторида барқарор ривожланиш қайд этилди.

Жаҳон иқтисодийнинг глобаллашуви ва рақобат муҳитининг кучайиб бориши, маҳсулотлар ҳаётийлик даврининг кескин қисқариши, бозор конъюктураси ва истеъмолчилар эҳти-



ёжларининг тез ўзгариши жараёнлари бугунги кунда ҳар бир хўжалик юритувчи субъектдан рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини ишлаб чиқишни ҳаётий заруриятга айлантирмақда. Бу эса уларнинг инновацион фаолиятини ривожлантиришни талаб етмоқда.

Иқтисодиётни инновацион ривожлантириш тобора долзарб аҳамият касб этаётган ҳозирги шароитларда кичик бизнес субъектлари инновацион фаолиятини ривожлантириш соҳа тараққиётини белгилаб берадиган асосий омиллардан бўлиб ҳисобланади.

Чунки кичик бизнес ишлаб чиқариш фаолиятига илмий ишланмалар ва инновацияларни жорий этишни амалга оширишда энг фаол ва самарали хўжалик юритувчи субъектдир. Улар ҳиссасига фан-техника соҳасига киритилаётган инвестицияларнинг 2-5 фоизи тўғри келган ҳолда, кичик инновация фирмалари жаҳон инновация бозоридаги лицензиарларнинг 50 фоизини ташкил этади. Саноатнинг ахборот-коммуникация технологиялари, биология, фармацевтика каби энг замонавий соҳаларидаги ходимлар сони 100 нафаргача бўлган корхоналарнинг 80 фоиздан кўпроғи кичик бизнес тизимларидир [7].

Бизнинг фикримизча, кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини ривожлантириш ва улар фаолиятига инновацион технологияларни жорий этиш қуйидаги омиллар ҳисобига муҳим ҳисобланади:

- биринчидан, кичик бизнеснинг ихчам ва ҳаракатчанлиги, бозор конъюнктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиш хусусиятларига эга эканлиги инновацион технологияларни жорий этишда йирик корхоналарга нисбатан юқори таваккалчиликнинг пастлиги жиҳатидан яхши самара беради;

- иккинчидан, кичик бизнес субъектларининг янгиликларни тезкорлик билан ўзлаштириш олиш салоҳияти уларга инновацияларни тижоратлаштиришдан юқори даромад олиш имкониятини беради;

- учинчидан, кичик бизнес субъектлари фаолиятига инновацион технологияларнинг жорий этилиши уларни юқори транзакцион харажатларни камайтириб, рентабеллик кўрсаткичларини оширади;

- тўртинчидан, кичик бизнес субъектлари фаолиятига бошқарувнинг инновацион технологияларини жорий этилиши улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини камайтириш, товар ва хизматлар номенклатурасини ошириш, янги товарлар турларини сотиш ҳажмларини кенгайтириш ҳамда маҳсулот сотишнинг истиқболли бозорларини ўзлашти-

риш ҳисобига уларнинг экспорт салоҳияти ва рақобатбардошлигини оширади.

Кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини ривожлантириш доимий равишда ўзгаришни, янги ғоя, янги товар модификацияси ва бошқа янгиликларни жорий қилувчи ташкилий формаларни жорий қилишни назарда тутлади. Инновацион тадбиркорлик фаолияти учун кичик корхоналарда яратилган янгиликни тижорат мақсадида ишлата оладиган билим ва интуацияга эга бўлган мутахассис лозим.

Бугунги кунда кичик бизнесда инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг замонавий шаклларида бири – бу венчур инновацион тадбиркорлигидир. Венчур тадбиркорлиги – инновацион таваккалчилик лойиҳаларини амалга оширишга ихтисослашган, аксарият ҳолларда кичик бизнес субъектлари томонидан амалга оширилаётган фаолиятдир. Венчур бизнеси моҳият жиҳатидан муайян маблағнинг янги, ҳали ҳеч кимга маълум бўлмаган ва ўзини оқлаши мавҳум, яъни таваккалчилик лойиҳасига киритишдир.

Қайд этиш жоизки, венчур капитал хусусий бизнесни молиялаштиришнинг муқобил манбаи сифатида АҚШда пайдо бўлган, кейинчалик Европада шаклланган. АҚШда расмий венчур капитал соҳасига мансуб бўлган тижорат-молия ташкилотлари кенг тарқалган. Уларнинг фаолият мақсади пул маблағларини йиғиб, фойда олиш учун манфаатли лойиҳаларни молиялаштиришдан иборат.

Венчур бизнесини ривожлантириш асосида жорий этиладиган юқори технологиялар ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётини ривожланган давлатлар иқтисодиётига тезроқ яқинлаштириш имконини беради. АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия, Япония ва Жанубий Корея каби мамлакатлар жаҳонда венчур бизнесини ривожлантиришда етакчи давлатлар ҳисобланади. Жанубий Корея асосан инновацияли венчур бизнесини жадал ривожлантириш ҳисобига аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи миллий маҳсулот ҳажми бўйича дунёдаги етакчи давлатлар қаторидан ўрин олган.

Венчур бизнесини муваффақиятли ривожлантиришда қуйида келтириладиганларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- Узоқ муддатли давлат инвестиция сиёсати ва венчур бизнесини молиялаштиришнинг аниқ дастури;

- Бизнесни шакллантириш ва самардорлигини таъминлашнинг асоси ҳисобланган инсон капиталига инвестициялар;

- Юқори салоҳиятга эга бўлган венчур менежерлари;

- Инновациялар, ноу-хаулар яратишга қодир бўлган илмий ва интеллектуал салоҳият;

- Венчур бизнесида рақобат муҳитини шакллантириш ва бошқалар.

Кичик бизнесда инновацион фаолликни оширишнинг яна бир асосий йўналиши – бу инновацион инфратузилмани ривожлантиришдир. Инновацион фаолият объектлари ва субъектлари орасидаги самарали фаолиятнинг мавжуд бўлиши бевосита инновацион инфратузилмага бориб тақалади, албатта. Шунинг учун ҳам инновацион фаолиятнинг амал қилишига кўмаклашувчи, турли ташкилотлардан ташкил топган инновацион инфратузилманинг шаклланиши зарур.

Инновацион инфратузилма – ташкилий, бошқарув, моддий-техник, молиявий, ахборот, кадрлар бўйича, консалтинг ва бошқа хизматларни мужассамлаган, инновация лойиҳаларини амалга оширишга имкон берувчи инновация фаолияти субъектларининг мажмуасидир.

Инновацион инфратузилма ғоялар ишлаб чиқарувчи инноваторлар ҳамда бу ғояларни муайян маҳсулот ва хизматларда мужассам этувчи инноваторларнинг меҳнатини тақсимлаш асосида шакллантирилади. Ушбу меҳнат турлари ўзаро боғлиқ бўлиб, лекин шу билан бир қаторда ўзига хос ҳисобланади – агар “инноватор-генератор” янги ғоялар ишлаб чиқишни ташлаб, ўзининг ишланмаларини саноат, технологик жиҳатдан амалга оширишга ва айниқса, муайян маркетингга “етказиш” билан шуғулланадиган бўлса, бундай ҳолатда шу вақт давомида янги ғоя ишлаб чиқиш жараёни сезиларли

даражада секинлашиб боради ёки умуман тўхтаб қолади, бу эса келгусида юқори ихтисослашув орқали янги ғояларни охирига йетказиш билан шуғулланувчилар иш билан таъминланишига ҳамда иш жойларига таъсир кўрсатиб боради. Бу орқали инфратузилма таъминотининг бозор вариантлари ва бундай тақсимланишнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги келиб чиқишини кўриш мумкин.

Инновацион жараёни кичик бизнес соҳасидаги муҳитга мувофиқлаштириш, унинг самарасини ошириш мавжуд ижтимоий-иқтисодий имкониятлардан тўлиқ фойдаланишни тақозо этиб боради. Асосий эътибор эса бозор рақобати шароитида энг мақбул вариантларни танлаш ҳамда кичик корхоналарнинг фаолиятини ҳар томонлама жадаллаштиришга қаратилиши лозим.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, рақамли иқтисодиётни шакллантириш, хусусий секторнинг жадал ривожланишини, унинг мамлакат иқтисодиётидаги ҳажмини оширишни таъминлаш, кичик бизнесда инновацион фаолиятни ривожлантириш ҳамда иқтисодий фаолликни таъминлаш билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишда венчур бизнесни янада ривожлантириш, бозор инфратузилмаси ташкилотларининг фаолиятини такомиллаштириш ва мувофиқлаштириш Ўзбекистонда тадбиркорлик соҳаси тараққиётининг муҳим шартидир.

#### **Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “O‘zbekiston” нашриёти, 2021. 138 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги Фармони. <https://lex.uz/docs/3107036>
3. Муродова Н.Қ. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг назарий асосларини такомиллаштириш // Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т.: 2017. 272 б.
4. Ғафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш: Дис. авт. реф... иқт. фан. д-ри. Т., 2017. 30 б.
5. Абдурахманова Г.К. Кичик бизнесда аҳолини муносиб меҳнат тамойиллари асосида иш билан таъминлашни такомиллаштириш. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т.: 2016. 158 б.
6. Дусматов С.М., Тагаев Б. Тадбиркорликни ривожлантириш – аҳоли бандлигини таъминлашнинг асосий воситаси // Иқтисод ва молия. №11 2019 74-б.
7. Михайлов А.Г. Инновационные кредитования малого предпринимательства // Молодой ученый, 2012, №3. С.138.
8. Друкер П.Ф. Практика менеджмента. М.: ИД Вильямс, 2003.
9. Фатхутдинов Р.А. Инновационный менеджмент. – Спб.: Питер, 2004.
10. Секерин В.Д. Инновационный маркетинг: Учебник. -М.: ИНФРА-М, 2012.236 с.; Основы бизнеса /Под.ред. Ю.Б.Рубина. Учебник. 6-е изд., перераб. и дополн. -М.: Маркет ДС Корпорейшн, 2005. - 784 с.
11. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) маълумотлари.